

СҒҲҮР ВА ТАҚҮДІР

Нигина НИЁЗ



НИГИНА НИЁЗ



СЕҲР ВА ТАҚДИР

6



«MERIYUS»
Тошкент 2010

Одатдагидек, ушбу рисоламиз ҳам тақдир тилсимига бағишланади.

Синовли дунё, деймиз. Дунё бизни қандай синайди? Ўша синов қачон бошланади? Буни билиш, хатоларимизни тузатиш мумкинмикин?

Масъул муҳаррир:
Асрор САМАД

Сеҳр ва тақдир-6 /Тўпловчи ва таржимон Н.НИЁЗ./

ББК 86.82

№250 – 2007

А.Навоий номидаги Ўзбекистон кутубхонаси

ISBN№ 5-648-03246-3

© Н.Ниёз (тўпловчи ва таржимон), 2010 й.

© Эркин Юсупов (нашр), 2010 й.



Дунёдаги энг сирли, тушуниб бўлмас мўъжизалардан бири бу вақтдир. У аини чоғда бор ва аини дамда йўқ нарса. Чунки Ердаги ҳаётда бир даврийлик мавжудки, бу абадиятни англатади. Тонг отар, Куёш чиқар, шом бўлар, офтоб уфққа бош қўяр... Наҳот ҳар бир кунда шу бўлар такрор! Бу бир хиллик, бу қайтариқ абадийликни эслатмайдимми?!

Болаларга эътибор қилинг-а, улар вақтга доҳил эмаслар, чунки уни ҳис қилишмайди. Вақт измидан чиқмоқлик унга тўғри баҳо бермоқликдир, балки аслини олганда, бу дунёда бизнинг вақтдан ўзга ҳеч вақоимиз йўқдир.

Вақт... У қанчалар бешафқат бўлса, шунчалар бизга даҳлсиздир. Вақт... Биз уни қанчалар яхши биламиз, аини чоғда баъзан у ҳақда ҳеч нима билмаслигимиз аён бўлиб қолади. Ва ... У ўзлигини зоҳир этмай ҳаётимизга сингиб киради-да, умримизнинг ҳакамига айланади. Қани айтинг-чи, ким вақт измидан қутулиб кета олган?... Ҳар кунимиз бир хил кечади. Биз учун ҳеч ўзгармайди. Аммо

кунлардан бир кун тошойна қаршисига келамиз-у, муб-ҳам «рақибимиз» қилмишларидан лолу ҳайрон қоламиз. Вақт аввал бизни шакллантиради, улғайтиради, ўзгарти-ради, кейин эса йилларимизни ўғирлаб, ўзимизни емира боради. У бизни ўз қонуниятларига бўйсунитишга мажбур этади. Айни чоғда биз вақтни ўзгартиришга, унинг иш-ларига аралашитишга ожизмиз. Баъзи пайтлари унинг қуд-ратини гўё унутамиз-у, вақтни сўраб суриштираверамиз. – Соат неча бўлди?

Ҳа, фалон ишни битириб олишимга ҳали вақт етар-кан, деб ўйлаймиз. Ёки «вақтим йўқ, вақтим тугади!» дей-миз. Туғилган куну юбилейлар қандай дабдаба билан ўтади. Кимлардир кундалик дафтар тугади, кимлардир эса бўлган воқеаларни хотирида сақлаб қолади. Аммо баъзи бир во-қеалар, баъзи бир инсонлар хотирамиздан мутлақ ўчиб кетади. Эртанги кунимиз қандай кечишидан беҳабар яхши ниятлар билан келгусига режалар тузамиз, келажакдан яхшилиқни ва фақат яхшилиқни кутамиз. Аммо кўпинча ўтмишда ҳозирдагига нисбатан яхшироқ яшагандай бўла-миз. Бир сонияда келажак ўтмишга айланади-ю, биз яна уни кўмсай бошлаймиз.

Шундай пайтлар бўладики, вақт қандай ўтганини бил-май қоламиз. Аммо ҳаётимизда шундай дақиқалар ҳам уч-райдики, гўё вақт тўхтади, жумлаи жаҳон сукутда қотади!

Баъзан керак бўлиб қолганда, уни осонлик билан сар-флаб юборамиз. Айни чоғда ўзгалар вақтини ўғирлашдан уялмаймиз ҳам. Баъзан «менинг вақтим», «вақт менинг из-мимда» деб ўйлаб қоламиз. Бу чинданам шундаймикан?

Орқа-ўнгимизга қарамай, вақтни бебилиска сарфла-ётган бир пайтда у бармоғларимиз орасидан сизиб ўтиб кетаётганини сезмаймиз. Ҳар тонг ёки ҳар оқшом, ҳатто ҳар бир нафас олишимиз бизни ўлимга томон беаёв яқин-лаштираётганини билмаймиз. Қачонлардир «бизники» бўлган ўша вақт оқар сувдай, биз кутганимиздан ҳам илгарироқ оқиб кетгусидир? Фақат ўша лаҳзадагина вақт бизники эмаслигини, бизга қиёмат қарз қилиб берилга-нини ниҳоят, омонатни қайтармоғимиз лозимлигини англаб етармиз. Балки умр шоме етгач, биздан ўша вақт-

ни қандай сарфлаганимизни сўрарлар. Аммо вақтимизни беҳудага сарфлаганимизни ниҳоят, англаб етганимизда, ҳеч нимани ўзгартириб бўлмайди. Лекин шундай дамларда ҳам тушкунликка тушмаслик керак. Чунки вақти келиб, ўша имконият бизга қайта берилиши ҳам мумкин.

Бир тасаввур қилинг-а, сизга ўзингиз маҳрум бўлган ва дилингизда армон бўлиб қолган, ўша имконият қайта берилди. Нима қилардингиз? Вақтни одатдагадай худабеҳудага сарфлармидингиз ёки йўқотган, бой берган фурсатингиз нима экани борасида ўйлай бошлармидингиз?! Вақтнинг ўзи нима? Нима учун у мавжуд? Дарёда сузган каби вақт уммонида оқмоқлигимизда нима маъно бор? Вақтнинг нима эканини англаб етган киши унинг чегарасидан ташқарига чиқа олишини тасаввур қила биласизми? Дунё ўтқинчи, бу оламда кечаётган жамики воқеа-ходисалар ҳам оқар сувдай. Ҳаётда бошингиздан қайғули воқеалар ҳам ўтади, бахтли дамларни ҳам кўрамиз. Болалигимиз-чи? Шўх, шодон, беташвиш болалик ўша йиллар қатида қолиб кетади. Модомики шундай экан, вақтни тушуниш орқали биз унда кечмиш воқеалар бир лаҳзалигини, ўзгарувчанлигини англаб етамиз. Умр эса ўтмиш ва келажак оралиғидаги бир лаҳзадир, холос. Аммо ўша лаҳзани ҳадеб қўмсайвериш, ўтмишни бир умр армон қилиб яшаш тўғри бўлармикан? Зотан, гўё ўтмиш вақтни қадрламоқ илинжида яшаб қолишга шошилиш ҳам ярамайди-ку! Аксинча, биз вақт деб атаётган ўлчам, масофа бизни абадият томон элтишини англамоғимиз даркор. Илло, вақтнинг у томонида бизни қачонлардир қайтишимиз лозим бўлган абадийлик кутмоқда. Абадийлик деганда чек-чегарасиз чўзилган вақт тушунилмайди, албатта. Абадийлик жамики нарсаларнинг муҳим вақтда мавжуд бўлиши, вақт чегараларининг бузилишидир. Абадийлик – вақтдан келиб чиқувчи тугал мақсад, унинг намоён бўлиши эса абадийлик соясидир. Чунки вақтнинг сирлилиги ҳам шунда. У абадийликка даҳлдор: шу боис у инсонни вақт пўртаналарини енгиб ўтиб, муддатий ўлчамлардан холис бўлган мангулик сари қадам қўймоққа чорлайди.

ВАҚТ ИЛОҲИЙМИ?

Не-не аҳли донишлар бу ҳақда бош қотирмаган, дейсиз? Хомер, Фифоғурус, Гераклит Сенека, Афлотун, Арас-ту ва бошқалар вақтни муайян йўсинда таърифлашга уриниб кўришган. Гераклитнинг фикрича, борлиқнинг моҳияти ўзгаришда, вақт бўйлаб ҳаракатланиш ва бунёд бўлишидадир. Ҳамма нарса бунёд бўлади, ҳаракатланади, оқар сувдай бир маромда ўтиб боради.

Афлотун эса оламни иккига бўлади. Бу дунёда вақт измига бўйсунмайдиган абадий гоёлар мавжудлиги билан бир қаторда вақт ҳукмига маҳкум бўлган иккинчи даражали, туйғулар орқалигина идрок этиладиган рўёлар олами борлигини ҳам эслатиб қўяди.

Ўрта аср файласуфи Аврелий Августин Худои таолодан вақтнинг нима эканини ошкор этишини ўтиниб ибодат қилган. «Агар мендан одамлар вақтнинг нима эканини сўрамасалар, мен уни биладиганга ўхшайман, — дейди у. — Бироқ вақт нима эканини тушунтирмаққа чоғлансам, уни ҳамон билмаслигимни англайман». Ньютоннинг фикрича, мутлақ, чин, математик маънода ҳисоблаш мумкин бўлган вақт «Ўз табиатига кўра, бир маромда кечади ва ташқи нарсаларга мутлақо даҳлсиздир». Кант учун эса вақт (худди фазо сингари) мутлақ воқелик эмас, у субъектнинг (Олий Онгнинг) соф, азалий шаклидир. У зоҳирий ҳамда ботиний оламлар асоси ҳисобланади. Вақт четдан қараганда, зоҳирий ўлчамдай туюлиши мумкин, аммо у моҳиятан илоҳий хусусиятга эга. Вақтнинг ҳамма нарсани тартибга солиш хусусияти бор. Вақт мобайнида кечмиш воқеалар орқали биз маълум бир хулосалар чиқарамиз. Вақт эса уларни саралайди, тартибга солади, шу таҳлит тажрибамиз орта боради. Вақт инсон мавжудлигининг асосий усулидир. Чунки у энг аввало, уч ўлчамни ўзида мужассам этган вақт кўзгусида ўз қиёфасини намоён қилади.

Фалсафий нуқтаи-назардан вақт тушунчаси нечоғли

мураккаб эканини тасаввур қилаётгандирсиз. Бундан уч юз аср илгари Лейбниц вақт борасида роса изланди. Охири унга жавоб тополмай, умидсизликка тушган файласуф вақтни «воқеа ҳодисаларнинг тартибга солинган оқибатидир», деб таърифлади.

ВАҚТ ЎРКАЧИ БОРМИ?

Вақт ўйинлари... Улар нақадар ранг-баранг! Баъзан асарлар орқали бошқа вақт ўлчамларига саёҳат қилиш мумкин бўлади. Агар Рэй Брэдберининг «Болхона» асарини ўқиган бўлсангиз, ундаги вақт бўйлаб саёҳат ғоят ажойиб. болхонага чиқиб, бундан неча йиллар бурун сотиб олинган буюмларни кўздан кечиради. Ҳар бирида муҳрланиб қолган лаҳзани туяди. Умри айнан шу лаҳзалардан бунёд бўлганди. Асар қаҳрамони куймалана-куймалана вақт ўркачига гарқ бўлади. Болхонада эса ёйилган, сочилган, эски-туски буюмларгина қолади...



Марсель Прустининг «Бой берилган вақтни излаб» романида асар қаҳрамони йўқолган, армон бўлиб қолган вақтни излаб кетади. У вақтни тўлиқ, чегарасиз, ўзгармас онийликда топишига ишонади. Жеймс Жойс эса «Финнеганнинг маросими» (1939) асарида бир сонияда ўзлаштирилган тажрибани олти юз саҳифада тасвирлайди. Инглиз адибаси Виржиния Вулфнинг «Орланде» асари ғоят мароқли. Унинг қаҳрамони асар бошланишида 16 ёшда бўлади. Асар ниҳояланганда у 36 ёшга тўлади. Роман эса қарийб 300 йилни ўз ичига олади. Адибанинг ватандоши Жорж Оруэл 1948 йили «1984» номли асар ёзади. Асарда ҳозирги замонда бўлиб ўтаётган воқеалар аниқ тасвирланади.

Герберт Уэллс, Айзек Азимов, Станислав Лем асарларида вақт мавзуси ниҳоятда қизиқарли тасвирланиб, у насрий бадий даражадан фалсафий, руҳий сатҳга кўтарилади...

Герман Гессенинг «Сиддхартха» қиссаси қаҳрамони

(1922) кўп йиллар мобайнида дарёга қулоқ тутати ва ниҳоят, вақтнинг ўзи йўқ нарса эканини тушуниб етади. У сизинг маъбудни Васудевага ушбу кашфиётини айтади:

— Сен дарё ҳар лаҳзада ҳамма ерда мужассам эканини назарда тутаяпсан. Дарё водийлардан, тоғлардан, бурилишлардан оқиб ўтади. У айна чоғда ҳамма ерда мавжуд. Демакки, дарё ҳозирги замонда мавжуд. Унинг учун келажак йўқ!

«Вақт тилсими» борасида ўзининг «Сирли тоғ» романида Томас Манн бундай деб ёзганди:

«Вақт нима? У кўзга кўринмас, буюк тушунчадир. Дунёнинг мавжудлиги, бизнинг маконда бажараётган ҳар бир ҳаракатимиз у билан боғлиқ. Ҳаракатсиз вақт борми? Ёки вақтсиз ҳаракат? Вақтнинг вазифаси нимадан иборат. Унга нисбатан кўпроқ «бағрида олиб юриш» ибораси тўғри келар балки? Аммо у нимани олиб юради? Ўзгаришларними? «Ҳозир» сўзи «аввал» сўздан фарқли. «Бу ерда» эса «анави ерда» деган сўздан тафовутлидир, зотан, уларни ҳаракат ажратиш туради. Аммо, агар вақт ҳаракат билан ўлчанса, у айлана бўйлаб амалга ошади, демакки, ёпиқ ҳаракат ҳисобланади.

Модомики, шундай экан, ҳаракат ҳам, ўзгаришлар ҳам аслида ҳаракатсизлик ҳолатини билдиради. Бинобарин, вақт ниҳоясини, макон чегарасини тасаввур қилиб бўлмаганидек, вақт ва маконни чексиз дея ҳисоблаш одат тусига кирган. Бироқ бу унчалик тўғри эмас, аммо мубҳамликдан кўра шуниси ҳам тузукда!» Шу ўринда яна бир китобга мурожаат этсак. Бу — Михаэл Энденинг вақт ўғрилари ҳақидаги «Момо» асари. «...Уни ўлчаш учун йилномалар, турли хил соатлар яратилган. Аммо уларнинг баридан не наф? Зотан, бир одам учун бир соат вақт абдийликдай туюлса, бошқа бирон кимса учун бир соат сониядай ўтиб кетади. Бу кўпроқ ўша онларда одам нималарни ҳис этаётганига боғлиқ. Вақт — ҳаёт, ҳаёт эса юракда кечмишдир, деб ёзади муаллиф. Вақт, шубҳасиз, шу ердадир. Аммо уни тутиб бўлмайди. Балки у ҳавога ўхшар? Бироқ у ҳамиша ёнгинамиздан оқиб ўтади. Демак, айна чоғда унинг пировард манзили ҳам бўлиши керак. У ша-



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/2446> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/2446> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/2446>